

## СУД ҲУКМИНИНГ ҚОНУНИЙЛИГИНИ, АСОСЛИЛИГИНИ ВА АДОЛАТЛИЛИГИНИ ТАФТИШ ТАРТИБИДА ТЕКШИРИШ

Д.Ж.Суюнова

ТДЮУ Жиноят-процессуал ҳуқуқи  
кафедраси профессори, ю.ф.д.

М.А.Сатторова

Тошкент шаҳар юридик техникуми  
ўқитувчиси, ю.ф.н.

Мамлакатимизда суд-ҳуқуқ тизимини янада такомиллаштириш, фуқаролар ва тадбиркорларнинг ҳуқуқлари ҳамда қонуний манфаатларини ишончли ҳимоя қилиш чораларини кучайтириш, одил судловни самарали таъминлаш бўйича изчил ишлар олиб борилди. Олиб борилган ишлар натижасида одил судловни амалга ошириш жараёнида шахсларнинг ҳуқуқлари ва қонуний манфаатларини ҳимоя қилиш даражаси янги босқичга чиқди.

Бош Қомусимизнинг 138-моддасида, суд ҳокимиятининг ҳужжатлари барча давлат органлари ва бошқа ташкилотлар, мансабдор шахслар ҳамда фуқаролар учун мажбурий эканлиги кўрсатилган. Шу билан бирга айрим ҳолларда жиноят иши бўйича қабул қилинган суд ҳукмида (ажримда) хатога йўл қўйиш ҳолатлари учрамоқда. Ушбу хатоларни бартарф этиш мақсадида жиноят-процессуал қонунчиликда суд қарорларининг қонунийлигини, асослилигини ва адолатлилигини текширишга боғишланган апелляция, кассация ва янги тафтиш институтлари мавжуд.

Жиноят ишларини тафтиш тартибида қайта кўриб чиқиши Ўзбекистон Республикасининг 2023-йил 27-сентабрдаги “Суд қарорларининг қонунийлиги, асослилиги ва адолатлилигини текшириш институти такомиллаштирилиши муносабати билан Ўзбекистон Республикасининг Жиноят-процессуал кодексига ўзгартериш ва қўшимчалар киритиши тўғрисидаги ЎРҚ-869-сонли қонуни асосида белгиланган. Ушбу инстанция илк бор суд ҳукмларнинг қонунийлигини, асослилигини ва адолатлилигини тафтиш тартибида, яъни иш апелляция ёки кассация тартибида кўриб чиқилганидан сўнг текшириш ваколатига эга бўлиб, фуқароларга суд ҳукмига нисбатан яна бир бор шикоят қилиш имкониятини яратиб берди.

Қонун билан вилоят судлари ва уларга tenglashchiyligan судлар томонидан апелляция ёки кассация тартибида кўрилган ишларни мазкур судларда **тафтиш тартибида** кўриш босқичи жорий этилди.

Тафтиш инстанцияси жиноят иши бўйича суднинг ишни мазмунан ҳал қилишда қаратилган яқуний ҳужжатини адолатли, қонуний ва асосли қабул қилинганлигини текширишни босқичи ҳисобланади.

Суд қарорларини қайта кўришда вилоят судлари ҳамда уларга tenglashchiyligan судларнинг имкониятларидан самарали фойдаланиш, шунингдек, фуқароларнинг шикоят қилиш ҳуқуқидан фойдаланиш имкониятларини янада кенгайтириш мақсадида кодексларга бир қатор ўзгартериш ҳамда қўшимчалар киритилди.

Биринчи инстанция судининг қароридан норози тарафлар вилоят судига апелляция ёки кассация тартибида шикоят қилиб, уларнинг ҳам натижаларидан қониқмаса, ушбу иш мазкур судларда тафтиш тартибида кўриб чиқилади.

Бинобарин, суд ишидан яна норози бўлган тақдирда вилоят ва унга тенглаштирилган судлар томонидан тафтиш тартибида кўриб

Алоҳида таъкидлаб ўтиш жоизки, илгари Ўзбекистон Республикаси Жиноятпроцессуал кодексининг 498-моддасида ишда иштирок этувчи шахслар, шунингдек ишда иштирок этишга жалб қилинмаган, аммо хуқуqlари ва мажбуриятлари тўғрисида хукм қабул қилган шахслар биринчи инстанция судининг қонуний кучга кирган, биринчи инстанция судининг хукми ва апелляция инстанцияси судининг ажрими устидан кассация шикояти беришга ҳақли, деб белгиланган эди.

Яъни, суд қароридан норози бўлган тараф апелляция шикоятини бериш муддатини маълум бир сабабларга кўра ўтказиб юборса, натижада иш апелляция тартибида кўрилмаган бўлса суд қарорлари устидан кассация тартибида шикоят бериш хукуқи йўқ эди.

Қонучиликка ўзгартиришлар киритилгандан кейин, энди тарафлар иш апелляция инстанциясида кўрилмаган хукм устидан кассация шикояти беришга ҳақли. Бунда кассация шикоятини биринчи инстанция судининг хукми қонуний кучга кирган кейин беришга ҳақли бўлади.

Агар шикоятда ёки протестда маҳкумнинг аҳволи ёмонлашишига олиб келадиган ўзгаришлар ҳақидаги масала қўйилган бўлса, суднинг айлов хуқмини ёхуд ажримини тафтиш тартибида кўриб чиқишга, шунингдек суднинг оқлов хуқмини ёки ишни тугатиш тўғрисидаги ажримини тафтиш тартибида қайта кўриб чиқишга фақат у қонуний кучга киргандан кейин бир йил ичida йўл қўйилади.

Биринчи инстанция судининг апелляция ёки кассация тартибида кўрилган хукм, ажрими ҳамда апелляция ёки кассация инстанцияси судининг ажрими устидан тафтиш тартибида шикоят (протест) берилиши, юқори турувчи судлар томонидан қуйи судларнинг бекор қилинган қарорларини янгидан кўриш учун қайтадан ушбу судларга юбориш тартиби чиқариб ташланди. Эндиликда уларнинг зиммасига иш бўйича якуний қарор чиқариш масъулияти юклатилмоқда.

Ишни тафтиш инстанцияси судида кўришда иштирок этган судья шу ишни биринчи инстанция, апелляция ёки кассация инстанцияси судида кўришда, шунингдек, ишни юқори инстанция судида тафтиш тартибида қайта кўришда иштирок эта олмайди.

Апелляция ёки кассация тартибида кўрилган ишлар бўйича туман, шахар судларининг қонуний кучга кирган хукми, ажрими, шунингдек, апелляция ёки кассация инстанцияси судининг ажрими (хукми) устидан Қорақалпоғистон Республикаси судига, вилоятлар ва Тошкент шаҳар судларига тафтиш тартибида шикоят қилиниши (протест келтирилиши) мумкин.

Тафтиш инстанцияси суди ишни биринчи инстанция, апелляция, кассация ёки тегишли тафтиш инстанцияси судларининг ажримлари устидан берилган хусусий шикоят (хусусий протест) бўйича кўриб чиқиш натижаларига кўра қуйидагиларга ҳақли:

- биринчи инстанция, апелляция, кассация ёки тегишли тафтиш инстанцияси судининг ҳукмини, ажримини ўзгаришсиз, тафтиш тартибида берилган шикоятни (протестни) эса қаноатлантирумасдан қолдириш тўғрисида;
- айрим суд қарорларини бекор қилиш ва иш бўйича илгари қабул қилинган суд қарорларидан бирини ўз кучида қолдириш тўғрисида;
- иш бўйича қабул қилинган барча суд қарорларини бекор қилиш ва айлов ёки оқлов ҳукми чиқариш тўғрисида;
- иш бўйича қабул қилинган барча суд қарорларини бекор қилиш ва иш юритишни тугатиш тўғрисида;
- иш бўйича қабул қилинган барча суд қарорларини бекор қилиш ва жиноят ишини биринчи инстанция судига юбориш тўғрисида;
- биринчи инстанция, апелляция, кассация ёки тафтиш инстанцияси судининг ҳукмини, ажримини ўзгартириш тўғрисида;
- шикоят (протест) қайтариб олинган тақдирда, тафтиш тартибидаги ишни юритишни тугатиш тўғрисида.

Бундан ташқари, эндиликда суд жиноят ишини апелляция, кассация, тафтиш тартибида кўришда шикоят ёки протест важлари билан чегараланмайди ва ишни барча маҳкумларга, шу жумладан тегишли шикоятни бермаган шахсларга ёки ўзига нисбатан шикоят (протест) берилмаган маҳкумларга нисбатан ҳам тўла ҳажмда текширади.

Тафтиш инстанцияси судлари дунёдаги илфор тажрибага эга давлатларда ҳам самарали фаолият юритмоқдалар. Мисол, учун хозирги вақтда Германиянинг суд қарорларини қайта кўриб чиқиши бўйича босқичлари қўйидагиларни назарда тутади: апелляция бўйича ҳукмларни қайта кўриб чиқиши, тафтиш тартибида қайта кўриб чиқиши, янги очилган ҳолатлар бўйича ишни кўриб чиқиши. Германия Федератив Республикасининг жиноят процессига кўра, ҳукмни барча босқичларда изчил шикоят қилиш шарт емас, Германия Федератив Республикасининг Жиноят-процессуал кодекси ҳар ҳил усулини танлаш имконини беради.

Суд текширувининг қайта кўриб чиқиши босқичларининг асосий тури қонуний кучга кирмаган ҳукм устидан тафтиш тартибида шикоят қилиш. Тафтиш инстанциясида шикоят қилиш предмети фарқ қиласди: жиноят ишини тафтиш тартибида кўриб чиқишида факат процессуал ва моддий қонунларга риоя қилиш ва қўллаш масалалари устидан шикоят қилиш мумкин. Германия Федератив Республикаси Жиноят-процессуал кодексининг 354-моддаси биринчи қисмига биноан, у тафтиш инстанциясининг қарор қабул қилиш учун кенг ваколатларини назарда тутади — бу ишнинг мазмуни юзасидан қарор қабул қилиши мумкин. Германия Федератив Республикаси Олий суди ва Ерлар Олий судлари тафтиш инстанцияси сифатида ишларни кўриб чиқади. Апелляция суди қарорлари ва Ер судининг (Жиноят ишлари бўйича катта палата) ва Ер Олий судининг (Жиноят ишлари бўйича Сенат) биринчи инстанциясида чиқарилган ҳукмлар (Германия Федератив Республикаси Жиноят-процессуал кодексининг 333-моддаси) қайта кўриб чиқишида шикоят қилиниши мумкин.

Жиноят протессида биринчи инстанция суди қарорини бекор қилиш ва ўзгартириш жараёнидаadolатлиликни, қонунийликни тъминлашга, биринчи инстанция

судларининг протессуал ҳаракатларини ва қонуний кучга кирмаган қарорларини текширишга, агар улар томонидан жиноят ишини юритиш жараёнида хатолар қилинган боълса, мазкур хатоларни бартараф қилишга ҳамда бу хатолар натижасида шахсларнинг ҳукуқлари бузилишини олдини олишга, шунингдек келгусида бундай хато, камчиликларга ёъл қоъйилмаслигига хизмат қиласди.

Умуман олганда, жиноят процесси давомида суднинг қарорларини қайта коъриб чиқиши институтининг такомиллаштирилгани жиноят-протессуал қонунчилигимизнинг муҳим ютуқларидан бири ҳисобланади ва одил судловни таъминланишида муҳим омил боълиб хизмат қиласди.

### **ФОЙДАЛАНИЛГАН АДАБИЁТ РЎЙХАТИ:**

1. Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2022-йил 28-январдаги «2022–2026-йилларга мўлжалланган янги Ўзбекистоннинг Тараққиёт стратегияси тўғрисида»ги ПФ–60-сон Фармонининг 1-иловаси 82-банди // Қонунчилик маълумотлари миллий базаси, 29.01.2022 й., 06/22/60/0082-сон.
2. Ўзбекистон Республикасининг Конститусияси. Қонунчилик маълумотлари миллий базаси, 01.05.2023 й., 03/23/837/0241-сон. <https://lex.uz/docs/6445145>
3. З.Ф.Иноғомжонова. “Жиноят процессида суд назорати ва уни амалга ошириш муаммолари” мавзусида ёзилган диссертация. Тошкент, 2007-йил. 178 бет.
4. У.А.Тухташева. Проверка законности, обоснованности и справедливости судебных решений в уголовном процессе. Монография. – Ташкент.: ТГЮУ, 2019. – 204 с.
5. Azimovna, R. F. (2024). Youth Entrepreneurship and its Development Measures. Best Journal of Innovation in Science, Research and Development, 3(1), 340-343.
6. Ф.М.Мухитдинов. Ўзбекистонда процессуал-хукуқий фан ва қонунчиликни ривожлантиришнинг долзарб муаммолари: мавзудаги илмий мақолалар тўплами. 1-туркум. - Т.: Адабиёт учқунлари, 2014. - 224 б.
7. Суюнова Д.Ж. Жиноят процессида суд қарорларини қайта кўриб чиқиши. Дарслик. – Т.: ТДЮУ нашриёти, 2023.
8. .Д.Вахабов, У.А.Тухташева. Суд хатоларини аниқлаш ва бартараф қилиш юзасидан юқори турувчи инстансия судлари ваколатлари. Илмий-амалий рисола. - Т.,2016. – 80 бет.
9. Г.З.Тўлаганова. Жиноят-процессуал қонунчиликни янада такомиллаштириш имкониятлари. Монография. Проф.Б.Ахраровнинг умумий таҳрири остида. – Тошкент.: ТДЮ, 2014. 151 бет.